

**Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларда икки ва беш маҳал соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш юзасидан аутсорсинг хизматини харид қилиш бўйича**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ (ТЗ)**

1	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги мактабларда соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш” тўғрисидаги <b>218-сон қарори</b> билан тасдиқланган Агентлик тизимидаги мактабларда соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Агентлик тизимидаги мактабларда соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш тартибини белгилайди.</p>
2	<p>Мактабларда Аутсорсинг усулида беш ва икки маҳал соғлом овқатлантириш Низомда белгиланган тартиблар ва қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.</p>
3	<p>Аутсорсер мактабларда соғлом овқатлантириш хизматларини кўрсатишда, таомнома тайёрлашда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлатишда ва таомлар тайёрлашда махсус ишлаб чиқилган Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларда тарбияланаётган болаларнинг хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари (0024-22-сон СанҚваН)га қатъий риоя этиши лозим.</p>
4	<p>Аутсорсер аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш бўйича хизмат кўрсатишни сифатли ташкил этишда қуйида кўрсатилган қонунчиликдаги белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилиши лозим:          Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган тартиб ва қоидаларига;          Ўзбекистон Республикасининг 26 август 2015 йилдаги ЎРҚ-393-сонли «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунига;          Ўзбекистон Республикасининг 30 август 1997 йилдаги ЎРҚ-483-I-сонли «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунига;          Ўзбекистон Республикасининг 24 апрел 1996 йилдаги ЎРҚ-221-I-сонли «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига.</p>
5	<p>Иштирокчилар соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича таклиф қилинаётган хизмат учун ишлаб чиқилган <b>10 кунлик намунавий Таомнома режасини</b> (3-илова) Буюрмачига тақдим этишлари лозим.</p>
6	<p>Аутсорсинг хизматларига ҳақ тўлаш миқдори – Иштирокчи (аутсорсер) барча харажатларини (солиқлар, ходимларнинг иш ҳақи, транспорт хизматлари ҳамда асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ва бошқаларни) ўз ичига оладиган <b>25 фоизгача устама ҳақини</b> белгилаш ҳуқуқига эга.</p>
7	<p>Аутсорсер харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигига, ошхона ходимлари томонидан таом тайёрлаш технологияси қоидаларига риоя қилинишига, ошпазларнинг ҳар уч йилда бир марта малака оширишига, тиббий кўрикдан ўтган ҳолда ишга қўйилишига шахсан масъул ҳисобланади.</p>





8	Аутсорсерга мактабнинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари ва мебелидан фойдаланганлик учун ижара тўлови “ноль” ставка бўйича белгиланади, ҳамда овқатлантиришни ташкил этиш учун истеъмол қилинадиган коммунал хизматлар қиймати мактабга ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида қопланади. Ижара асосида топширилган ошхона ва ошхона жиҳозларини таъмирлаш, ходимлар иш ҳақи, ошхона жиҳозлари, ошпазлар униформаси, ошхонада ишлатиладиган зарарсизлантирувчи ва ювиш воситалари билан таъминлаш ишлари аутсорсер томонидан амалга оширилади.
9	Аутсорсер тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислари (муҳандис-технолог, диетолог, гастроэнтеролог, алерголог, терапевт врач, ошпазлар) мавжуд бўлиши лозим.
10	Хизматлар кўрсатиш муддати – “17” кун.
11	Мактабда таомнома режасини тузиш учун мактаб аутсорсерга бир кун олдин соат 16:00 гача бир кун олдинги ўқувчилар сонига нисбатан буюртма тақдим қилади. Шунингдек, ётоқхонада шанба, якшанба ва байрам кунларида қолган ўқувчиларнинг сони ҳам бир кун олдин тақдим қилинади.
12	Иштирокчилар ўз таклифларини тақдим этишдан аввал мактаб ошхонаси ва ундаги жиҳозларни келиб кўриб, танишиб кетишлари мумкин.
13	Аутсорсер томонидан тайёрлаб берилаётган таомлар сифати, вазни, таркибининг таомномага мувофиқлиги мактаб раҳбари, ҳамшира, тарбиячи ҳамда бошқа ходимлардан иборат (зарур ҳолларда, ота-оналар вакиллари қўшилиши мумкин) комиссия томонидан назорат қилинади ва назорат яқунлари мактабнинг тайёр таомлар сифатини назорат қилиш бўйича юритиладиган махсус дафтарда ҳар куни қайд қилиб борилади.

